

Вафот этган кишининг кийимлари

10:00 / 18.01.2019 3464

Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, яқинда онамиз бандаликни бажо келтирдилар. Таъзия кунлари онамизнинг кийим-кечаклари қариндош ва қўшни аёлларга тарқатилди. Бир жуфт кийимларини эсдалик, онамизни ёдга солиб туриши учун қолдиргандик. Эшитишимиз бўйича бундай қилиш тўғри эмас экан. Шу ҳақида бирор маслаҳат берсангизлар, илтимос!

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Вафот этганнинг кийим кечаклари [мерос](#) хўрларнинг ҳаққлари ҳисобланади. Улар [балоғат](#)га етган бўлсалар ўзаро рози бўлиб бирорталарига ҳадя қилишлари мумкин. [Балоғат](#)га етмаган болалар бўлса уларнинг ҳаққини ҳадия қилиш [жоиз](#) эмас. Ижозат берсалар ҳам. Сотиб балоғатга етмаганникини ажратиб бериш керак. [Валлоҳу аълам!](#)